O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI


Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 31 июль, чоршанба • №60 (11.448) • Эркин нархда сотилади


## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ — ЎЗАРО СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

**Илгари хабар берганимиздек, шу йил 28 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Японияга расмий ташрифи бошланди.**

* * *

**Токио. 29 июль. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.**

Япония ҳукумати таклифи билан Токиога расмий ташриф билан келган Президент Ислом Каримов бугун Бош вазир Жунъитиро Коидзуми билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги тикланиш, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ислом Каримов ва Жунъитиро Коидзуми икки мамлакат ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қўшма баёнотларга имзо чекди. Биринчи ҳужжатда томонлар тенглик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган тамойил ва меъёрларига асосланган ҳолда дўстона муносабатларни ва стратегик ҳамкорликни ривожлантириш ниятини билдиради. Ўзбекистон томони Япония юритаётган "Ипак йўли минтақаси дипломатияси" сиёсатини юқори баҳолаган бўлса, Япония Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкор деб билишини, халқаро терроргчиликка қарши курашдаги сайъ-ҳаракатларини ғоят қадрлашини ва мамлакатимизнинг минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги қадамларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъкидлаган. Ҳужжатда икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим вазифалари сифатида савдо, сармоя, технология ва таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантириш белгилаб берилган. Шунингдек, Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан Ўзбекистон ҳам, Япония ҳам манфаатдорлиги таъкидланиб, Япония томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш ташаббуси қўллаб-қувватланиши айтиб ўтилган.

Иккинчи ҳужжатда эса энергетика соҳасидаги ҳамкорликдан ўзаро манфаатдорлик эътироф этилиб, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама соликдан чекланиш ва ҳаво алоқаси борасидаги ҳуқуқий асосни мустаҳкамлашга келишиб олингани таъкидланган.

Айни пайтда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг "Мицубиси", "Мицуи", "Марубени", "Нише Иваи" корпорациялари билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан "Bank of Tokyo-Mytsubisi" ўртасида имтиёзли кредит, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси билан Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ва бошқа сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Шундай қилиб, Ўзбекистон билан Япония ўртасида имзоланган ҳужжатлар ўн тўрттага кўпайди.



ЎзА мухбирларига маълум қилишларича, Япония Бош вазирининг қароргоҳида давлатлараро ҳужжат имзоланиши жуда ноёб воқеа. Ислом Каримовнинг ташрифи чоғида бундай йўл тутилгани Япониянинг мамлакатимизга нисбатан алоҳида муносабатидан далолатдир.

Президент Ислом Каримов Япония императори Акихито билан учрашди. Бу учрашувда ҳам томонларнинг ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлиги таъкидланди. Япония императори сиёсий ишларга аралашмаса-да, мамлакат халқининг фахри ҳисобланганн боис катта нуфуз ва обрўга эга. Бу шахснинг Ўзбекистон раҳбарига ғоят илиқ муносабат билдириши – музокарадаги очиқлик ва самимийлиги, юртимизга хайрихоҳлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқ ўзи эҳтиром этадиган, фахрланадиган кишининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган "Империал" меҳмонхонасида Япония ташқи ишлар вазири Йорико Кавагучи хоним, молия вазири Масажуро Шиокава, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Такао Каваками, Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) президенти Кёсуки Шинозавани қабул қилди. Учрашувларда Ўзбекистон-Япония муносабатларини ривожлантиришга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Ислом Каримовнинг Японияга ташрифи давом этмоқда.

*(ЎзА).*

## «СЕЙ-СИНГ» ИПАКЛАРИ

**Буюк Ипак йўлида жойлашган, у билан бирбирига боғланган ҳамда бой маданий-тарихий меросга эга бўлган Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги алоқалар қадим замонларга бориб тақалади. Улар, айниқса, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг янада кенгайди ва йил сайин ривожланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда бу иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг кўпгина тармоқларида ўз аксини топмоқда.**

Чунончи, биргаликда қўшма корхоналар барпо этиляпти. Янги ишлаб чиқаришларни яратишда Японияда тайёрланган замонавий асбоб-ускуналар, илғор технологиялар тобора кенг фойдаланиляпти. Кунчиқар мамлакати компаниялари ва фирмалари тамғаси босилган машина-механизмларни вилоятимиздаги қатор янги корхоналарда учратиш мумкин. Уларда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати юқорилиги билан ҳам ажралиб туради.

«Сей-синг» деб номланган қўшма корхона ана шундай ҳамкорликнинг меваларидан биридир. У Ўртачирчиқ туманида барпо этилиб, пиллани қайта ишлашга ихтисослашган. 1997 йил бошларида фойдаланишга топширилган корхона таъсисчилари ўзбекистонлик ва япониялик қатор фирмалар бўлди. Хорижий шериклар ўзларининг асбоб-ускуналари билан қатнашдилар. Улар ёрдамида пиллани қайта ишлашдан ташқари қирқиш ва пресслаш жараёнлари ҳам бажарилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳам исроф қилинмайди. Ана шундай ҳом ашёдан ипак пахтаси, ундан эса кўрпалар ва тўшаклар тайёрланмоқда. Бундай маҳсулотлар ҳам ўзининг бежиримлиги ва кўркамлиги билан ажралиб туради.

Қўшма корхона ҳар йили 528 тонна пиллани қайта ишлашга мўлжалланган. Бунинг учун етарли пилла тайёрлаш мақсадида жуда кўп хўжаликлар билан шартномалар тузилган. Ҳом ашё етказиб берувчилар ўз ваъдаларини бажармоқдалар. Хусусан, бу йил пилла тайёрлаш режаси анча ортиғи билан бажарилди. Қўшимча сал кам 20 фоиз ҳажмида ҳомашё тайёрланди. Шунинг учун корхона бир маромда ишламоқда. Ҳар ойда унинг 44 тоннагача қисми қайта ишланмоқда.

— Қўшма корхонамизнинг фойдаланишга топширилиши қўшимча

*(Давоми 2-бетда).*

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### ОРОМГОҲДА КОМПЬЮТЕР СИНФИ

**Пскент туманидаги «Каноп» Ўзбекистон — Чехия қўшма корхонаси тасар руфидаги «Келажак» оромгоҳи Бўстонлиқ туманининг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган. Шу кунгача бу ерда 900 нафардан зиёд бола ҳордиқ чиқарди. Айни пайтда эса, 400 ўқувчи таътилни мароқли ўтказмоқда.**

Яқинда корхона раҳбарияти яна бир хайрли ишга қўл урди. Мазкур оромгоҳга энг сўнгги русумдаги 10 та компьютер ўрнатилиб, махсус синф ташкил этилди. Энди болалар интернет тармоғига уланган бу компьютерларда ўз билимларини оширадилар. Бундан ташқари, бу ерда инглиз тили тўгараги ҳам фаолият юритмоқда.

*Акбар АЛЛАМУРОДОВ.*

### МАЪДАНЛИ ЎҒИТЛАР — ДЕҲҚОНЛАРГА

**Чирчиқдаги «Электркимёсаноати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси жорий йилда маъданли ўғитлар тайёрлаш ва уларни буюрмачиларга вақтида етказиб беришга астойдил ҳаракат қилишяпти.**

Ғўзанинг ўсиши нисбатан оркада қолаётган бу йилги шароитни ҳисобга олиб, буюртмачилар билан тузилган барча шартномалар вақтида бажариляпти. Корхонада мавжуд имкониятлар ишга солинаётганлиги туфайли жорий йилнинг биринчи ярмида фақат аммиакли селитра ўғитидан 219 минг 840 тонна ишлаб чиқарилди. Бу режада назарда тутилганидан деярли 20 минг тонна кўпдир.

Шунингдек, муҳим маҳсулот турларидан бири – кучсиз азотли кислотани тайёрлашда ҳам яхши кўрсаткичларга эришилди. Республикамиз халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари катта эҳтиёж сезаётган бундай маҳсулот белгиланганига нисбатан салкам икки баробар кўп ишлаб чиқарилди Буюртмачиларга 3000 тонна ўрнига 5570 тонна шундай кислота етказиб берилди.

*Шокир ТЎҒОНОВ.*

### ҚУРУВЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

**Бақачўлда меҳмонхоналар ва бошқа дам олиш мажмуалари қурилишлари кўламининг кенгайиши туфайли ишчи кучига эҳтиёж ортяпти.**

Ғазалкент шаҳри, Искандар, Сижжак, Қўшқўрғон, Янгиовул ва бошқа қишлоқлардан йигит-қизлар ўз ихтисосларига яраша ишга жойлашишяпти. Хусусан, Ғазалкентнинг марказий маҳалласидан Феруза Абдукаримова, Шоҳида Толбоева, Мунира Баратова каби кўплаб ёшлар эндиликда меҳмонхоналар қурилишида меҳнат қила бошлашди.

*Ўз мухбиримиз.*

## Ҳамма нарса тайёр

## СИНОВЛАР ТЕЛЕЭКРАНДА КУЗАТИБ БОРИЛАДИ

**Эртага мамлакатимиз олий ўқув юртларида тест синовлари бошланади. «Унга қандай тайёргарлик кўрдингиз?» — «Тошкент ҳақиқати» мухбири Тошкент Давлат Аграр университети қабул комиссиясининг масъул котиби, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент Мирзокир Ёқубовга шундай савол билан мурожаат қилди.**



— Бу ўқув йилида университетимизга 1145 талаба қабул қилишимиз керак, — деди Мирзокир Мирзиёдович. — Бугунги кунгача 5413 талабгор ҳужжат топширди. Куни кеча Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан университетимизга кириб ўқиш истагида юз йигит-қиз етиб келди.

Тошкент Давлат Аграр университетида ўқишга қизиқишнинг бунчалик катталиги бизни мамнун қилади, албатта. Университетимизнинг 9 та факультетида 12 ихтисос йўналиши бўйича малакали мутахассислар тайёрланади. Ҳозиргача агроном, селекционер, ҳисобчи-бухгалтер ва маҳсулотларни қайта ишлаш мутахассисликлари бўйича энг кўп аризалар топширилди.

Аввало, абитуриентлар учун яратилган шарт-шароитларни таъкидлашни истардим. Ҳамма ётоқхоналар билан таъминланди. Тест синовлари ўтадиган хоналар белгилангандек жиҳозланди. Дарвоқе, ҳеч бир қабул жараёни ота-оналар кузатишисиз ўтмайди. Бу йил ҳам улар учун соя-салқин дам олиш жойларини ҳозирлаб қўйдик. Ошхона, чойхоналар ташкил этилди. Уч жойга жамоат бўлиб кўриладиган телевизорлар ўрнатилди. Ота-оналар аудиторияларда тест синовлари қандай кетаётганлигини хотиржам ўтириб кузата оладилар.

— Куни кеча абитуриентларимизни тест синовлари топшириладиган аудиториялар билан таништириб чиқдик, — деди пировардида Ёқубов. — Ўйлаймизки, жамоамиз тест синовларини муваффақиятли ўтказади. Интилувчан, илмга чанқоқ йигит-қизларнинг янги бўғини сентябрь кунлари университетимизда ўқишни бошлайди.

## Mustaqillikning 11 yilligiga

## ТАБАРРУК СЎЗЛАР

Бу йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинишида бир рамзий маъно бор. Республикамизнинг қайси жойида бўлмасин, доимо қариялар давраларда дуога қўл очиб турганликларига гувоҳ бўласиз. Зотан, юртимизда амалга оширилаётган улкан ишлар салоҳияти ва давлатимизнинг дунё миқёсида катта обрў-эътиборга сазовор бўлишида ҳам дуолар хосияти борлигига ишонч ҳосил қиласиз. Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини кенг нишонлаб, иккинчи ўн йилликнинг бошида қарияларимизни қадрлаш пировардида уларнинг дуоси билан бошланган ҳар қандай ҳаракатимиз баракали бўлишига мана шу комил ишонч ёруғлик нурини сочиб турибди.

Халқимизнинг «Олтин олма, дуо ол» деган ҳикматли сўзларининг мағзини чақар экансиз, ҳар қадамда қарияларнинг ҳар бир сўзи пурмаъно ва чуқур илдизли эканлигига имон келтирасиз. Кексаларни ҳурмат қилган юрт ҳеч қачон кам бўлмайди, уларнинг дуосини олганларнинг эса топган-тутгани баракали бўлади. Халқ орасида юриб, ажойиб тақдирли инсонларга дуч келиб, бунга минг бора амин бўласиз.

* * *

Мўмин ака билан тез-тез учрашиб турсак ҳам, назаримда бугунгидай ҳеч очилмаган эди. У кишини янги кунлари билан табриклаб, шундоқ ўтиб кетаман десам, қўлларимдан тутиб:

— Кўнглимда сизга айтадиган бир оғиз гапим бор эди, озгина эшитинг, шошилманг, — деб қолди. Етмиш бешдан ошган бу қария нафақат маҳалламизда, ҳатто туманимизда катта ҳурматга эга бўлиб, узоқ йиллар раҳбарлик ишларида эл хизматини қилган инсонлардан ҳисобланади. У кўнглимдаги розиликни пайқагандек гапни узоқдан бошлади:

— Отам оддий бир деҳқон эди. Мактабдан қайтиб, кечки овқатни еб бўлгач, мен билан бирга дарс тайёрларди. «Мен ўқимадим, болам, сен ўқи», деб уй вазифаларимни ҳар куни текширарди. Даладаги озгина еримизга ишлов бериш учун ота-бола кўчадан ишга жўнасак, учраган қарияга «фалончи бува, биззи ўғилди бир дуо қилиб қўйинг» деб қўлимдан етаклаб унинг олдига олиб келарди. Мен унда ўн яшар боламан, аввалига бу ҳаракатларга тушунмас эдим, ҳатто йўлда бирор қарияга дуч келсак, ўзимни панага олардим. Тўғриси, отамнинг бу иши менга эриш туюларди. Буни сезган отам бир куни:

— Дуо олган одам ҳеч қачон кам бўлмайди болам, қари одамнинг париси бор, мана кўрасан, сен катта одам бўласан, — дердилар.

Орадан бир мунча муддат ўтгач, отам иккаламиз даладан қайтаётсак, бир дарахт соясида қишлоғимизнинг қарияларидан бири қўйларига кўз-қулоқ бўлиб ўтирган экан. Отам индамай ўтиб кетяпти, енгидан тортдим.

— Дуо олиб бермайсизми, — деб қария ўтирган томонни кўрсатдим. Отам пайқамаган шекилли шоша-пиша йўлни у томонга бурди...

Хўш, ука мен нима демоқчиман, юртбошимиз бу йилни «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилган куни кўзимда ёш билан болалигимни, отамни эсладим. Кўпчиликнинг дуосини олиб кам бўлмадим, қаерда ва қайси лавозимда ишламайин элдан дуо сўраб яшадим. Юртбошимизнинг қарияларни қадрлаш деган гапининг асл маъноси ҳам уларнинг дуосидан юртга тинчлик, фаровонлик, дастурхонимизга барака ва кўнглимизга ёруғлик тилашдир! Укажон, сиз ҳам доимо дуоларга кўмилиб яшанг, айтадиган бир оғиз гапим шу эди.

* * *

Сотиболди бува бирор жойга меҳмонга борса, дарров қишлоғини, унинг одамларини мақтайди. Уйига меҳмон келса, болаларини ва невараларини мақтайди. Қишлоқларда бўладиган йиғинларда эса, Ўзбекистонни мақтайди. «Бундай жаннатмакон юрт қайда бор», — дейди. Ҳамма уни завқ билан тинглайди, ҳамма унинг гапларига ишонади. Ҳамма вақт сўзининг охирида: «Биз қарияларга юртни, элни дуо қилишдан катта савоб йўқ», — деб қўяди. Табаррук сўзлар давраларга қуёш бўлиб порлаб киради.

*Ҳамид НОРҚУЛ.*

## МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

**Истиқлолимизнинг 11 йиллиги олдидан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Уни ташкил этишда республика «Маънавият ва маърифат» маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари катта ҳисса қўшмоқдалар.**

Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» тажриба хўжалигида вилоят «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамда туман ҳокимлиги ташкил этган «Мустақиллик ва маънавият» мавзуидаги маънавий-маърифий анжуман ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

Йиғилишни вилоят «Маънавият ва маърифат» кенгаши масъул котиби Суяр Қурбонқулов очди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олим, шу марказ ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тарғибот бўлими мудири Шамсиддин Жумаев ҳамда таниқли сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбековларнинг «Мустақиллик ва маънавият», «Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг янги босқичи», «Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи» мавзуларидаги маърузаларида мустақиллигимиз даврида амалга оширилган ишлар, ўзгаришлар, янгиланиш жараёнининг бориши, демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида амалга оширилаётган жараёнлар ҳақида сўз юритилди. Воизлар тингловчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб бердилар.

*Шоҳруҳбек ОЛИМ.*

# «СЕЙ-СИНГ» ИПАКЛАРИ

ишчи ўринлари ташкил этиш имконини берди, — дейди корхона раҳбари Ўлмас Абжалова. — Шу кеча-кундузда жамоамиз сафида 41 киши ишламоқда. Олинаётган маошлар ҳам чакки эмас. Мамлакатимиз президентининг Японияга ташрифи иккала мамлакат ўртасидаги барча алоқаларни мустаҳкамлаш қатори иқтисодий соҳада ҳам ҳамкорликни ривожлантиришга олиб келади, албатта. Шунинг учун ҳам жамоамиз бу ташрифни тўла қўллаб-қувватламоқда. Ҳозир вилоятимиздагина эмас, ҳатто республикамизда ягона ҳисобланган бизнинг корхонага ўхшаган ишлаб чиқаришлар янада кўпайишига олиб келади, шубҳасиз. Бу эса қимматли ва бозори чаққон пилла каби ҳомашёдан фойдаланишни янада кўпайтиради, чиқиндиларни ҳам қайта ишлаб, истеъмол бозори учун турли хил зарур маҳсулотлар тайёрлаш имкониятларини кенгайтиради.

(Давоми. Боши 1-бетда).

*Мирсобир МИРҲАМИДОВ.*

# «CASE NEW HOLLAND»НИНГ ЯНГИ ТРАКТОРЛАРИ



**Ўзбекистоннинг бир қатор агросаноат компаниялари ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахасисларидан иборат делегацияси Англияда бўлиб қайтди.**

«Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» бошқаруви раиси Р.Матчонов бошчилигидаги делегациянинг бу давлатга ташрифидан кўзланган асосий мақсад «Case New Holland» корпорацияси билан қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат эди. Бугунги кунда ушбу корпорация республикамизга қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб берувчи ва мамлакатимизда уни ишлаб чиқарувчи асосий шериклардан ҳисобланади.

Ташриф доирасида корпорация раҳбарияти билан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги жиҳозларини ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва модель хўжаликларини барпо этиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбек делегагациянинг ташрифи давомида «Case New Holland» корпорациясининг Базильдон шаҳрида жойлашган энг йирик корхоналаридан бирида «МХМ-140» русумли янги тракторнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Қувонарлиси шундаки, МДҲ давлатлари ўртасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ушбу тракторнинг ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

1994 йилда асос солинган ҳамкорлик даври мобайнида «Case New Holland» корпорацияси Ўзбекистонга беш мингга яқин трактор етказиб бериб, республикамизнинг қишлоқ хўжалик техникаси ва жиҳозлари ишлаб чиқариш соҳасида энг йирик шеригига айланди.

– Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида энг йирик қишлоқ хўжалиги салоҳиятига эга бўлиб, корпорациямиз учун муҳим стратегик шерик ҳисобланади. Қувонарлиси шундаки, республикада барча ишлар пухта ўйланган иқтисодий сиёсат асосида олиб борилмоқда. Ана шу боис биз Ўзбекистон билан кенг ҳамкорликни давом эттирамиз, – деди «Case New Holland» корпорациясининг вице-президенти Дж. Шиферт «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбатда.

*Мардон ЁҚУБОВ, «Жаҳон» АА, Лондон.*

## Табиат ва биз

**Халқимизда «Тоза ҳаво — танга даво» деган пурҳикмат мақол бежиз айтилмаган. Инсонларнинг саломатлиги кўп жиҳатидан нафас олаётган ҳавонинг софлигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимизда бу масалага эътибор, айниқса мустақилликка эришганимиздан кейин, кучайиб бормоқда. Шу мақсадда «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш» тўғрисида махсус Қонун қабул қилинди.**

# ТАДБИРЛАРНИНГ КЎЛАМИ КЕНГ

## Лекин улар ҳозирча Ангрен ҳудудидаги ҳаво мусаффолигини сақлаш учун етарли самара бермаяпти

Бу муҳим ҳужжат талабларига Ангрен шаҳрида қандай амал қилинмоқда, эришилган ютуқлар ва камчиликлар нимадан иборат? Ангрен минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси А.Х.Раҳматуллаев бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Шаҳримизда атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар жуда кўп. Ангрен ва Янги Ангрен давлат иссиқлик электр станциялари, Ангрен ва Ўпартоғ кўмир конлари, «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси, олтин қазиб олиш кони, «Саноатқалинкоғозсавдо» ҳиссадорлик жамияти, автомобиль ва темир йўл транспорти, йўл қурилиши корхоналари ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам қўмитамиз ходимлари уларда тез-тез бўлиб турадилар, табиатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назорат қиладилар, камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур маслаҳатлар ва кўрсатмалар берадилар, атроф муҳитга зарар келтиришда айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрадилар.

Ўтган йили шаҳар корхоналари ва ташкилотларида атмосфера ҳавосини тозалигини яхшилашга қаратилган кўпгина чора-тадбирлар белгиланди ва уларнинг аксарияти ўз вақтида амалга оширилди. Шу туфайли чиқарилаётган чанг ва газлар миқдори бир мунча камайди. Йил давомида атмосфера ҳавосининг тозалигини таъминлашга қаратилган салкам 60 миллион сўмлик техникавий тадбирларни бажариш назарда тутилган эди. Амалда бу анча ортиғи билан адо этилди. Шу мақсадда 70 миллион сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилди. Натижада ҳаво ҳавзасига чиқарилаётган турли хил кимёвий зарарли моддалар ҳажми 24 минг тоннадан кўпроқ камайди.

Нуробод шаҳарчасидаги Янги Ангрен ДИЭС бўлинмаларида ҳавонинг тозалигини яхшилашга қаратилган чоралар мунтазам кўрилмоқда. Айниқса, мавжуд асбоб-ускуналарни, биринчи навбатда қозонхоналарни таъмирлаш ишлари ўз вақтида бажарилишига эришилмоқда. Корхонада кўмир ёқилғиси билан газнинг алмаштириб ёқилиши натижасида ҳавога чиқарилаётган чанг ва газлар миқдори бирмунча камайди. Агар 2000 йилда корхонада электр қуввати ишлаб чиқариш учун 1 миллиард 834 миллион куб метр газ ишлатилган бўлса, ўтган йили бу миқдор 2 миллиард куб метрдан кўпроқни ташкил этди. Шунинг ўзи ҳам атмосферага зарарли моддалар чиқиши сезиларли даражада камайишига олиб келди. Умуман электр станцияда ҳаво тозалигини таъминлаш бўйича 11,4 миллион сўм ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлса, аслида у 15,5 миллион сўмдан ортиқроқ сарфланди. Кўрилган чоралар туфайли ифлослантирувчи моддаларни тарқатиш олдинги йилдагига нисбатан 19,3 минг тоннага камайди. Бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам умуман табиатни муҳофаза қилиш, хусусан атмосфера ҳавоси тозалигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди.

Шунга қарамай, бу нурхона ҳамон атмосферани ифлослантиришни давом эттирмоқда. Биргина ўтган йили унинг ҳажми 52253 тоннани ташкил этди. Ангрен ДИЭСида ҳам шундай ҳолат ҳукм сурмоқда. Ўтган йили шаҳар бўйича ҳавога чиқарилган чиқиндиларнинг 40,3 фоизи унинг улушига тўғри келди. Корхонада ҳанузгача еттита қозонхонанинг иккиламчи тутгич фильтрлари ўрнатилмаган. Станциянинг 82 гектар майдонни эгаллаган кул-қурум омборхонаси ёз мавсумида чангланиши ҳавонинг ифлосланишига олиб келмоқда. Корхонада атмосфера ҳавосини тозалашга қаратилган айрим тадбирлар амалга оширилмоқда, лекин уни ҳеч вақт қаноатланарли деб бўлмайди. Ўтган йили чиқинди чиқиши фақатгина 5000 тоннага камайди. Корхона атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга салкам 43 миллион сўм сарфлади. Шунга қарамай ўтган йили ҳавога ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлиги учун 45 миллион сўмдан ортиқ маблағ тўлади.

Бундай ҳолатга чек қўйиш учун республика Вазирлар Маҳкамаси бундан уч йил олдин махсус қарор қабул қилиб, унда электр станциясини қайта қуришни назарда тутган эди. Бу ишларни амалга ошириш учун «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси маблағ ажратиши ва бунёдкорлик ишларини тез фурсатларда бошлаб юбориши керак эди. Лекин, бу қарорни бажаришга жиддий киришилмаётганлиги кишини ажаблантиради. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, нурхона атроф муҳитни янада кўпроқ ифлослантирувчи манбага айланиб қолиши мумкин.

Назорат қилиш идоралари ишини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши тасдиқлаган режа асосида қўмитамиз атмосфера ҳавосининг ҳолатини аниқлаш бўйича жами 40 та корхонада текшириш ишларини амалга оширди. Қонун талабларини бузганликлари учун 18 нафар мансабдор шахсга нисбатан жазо чоралари кўрилди. Улардан 132 минг 840 сўм жарима ундириб олинди. Бундан ташқари 194 банддан иборат далолатномалар берилиб, уларнинг аксарияти бажарилиши таъминланди.

Текшириш жараёнларида ишлатилаётган газ-чанг тутгич ускуналарининг ҳолатига алоҳида эътибор берилди. 283 та шундай ускуна назоратдан ўтказилганда, бештасининг носозлиги, ўн биттасининг самарасиз ишлаётганлиги аниқланиб, айбдорларга нисбатан чоралар кўрилди, носоз асбоб-ускуналарни таъмирлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шаҳримиздаги барча саноат ва автотранспорт корхоналарида атмосферани ифлослантирувчи моддаларни тарқатишнинг меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва расмийлаштирилган. Улар шунга амал қилишлари ҳамда бунинг учун белгиланган маблағларни вақтида тўлаб туришлари лозим. Айни вақтда кичик ва ўрта корхоналар бўйича шундай меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни давом эттираяпмиз. Қўмитамиз бундан буён ҳам бу соҳадаги камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор бериб, атмосфера ҳавосининг тозалиги учун курашаверади.

# «050» ЭШИТАДИ



**Самарқанддан меҳмонлар келиши бу хонадонни бамисоли чароғон қилиб юборди. Катталар дастурхон устида ўтган-кетган воқеаларни эслашиб, ширин суҳбат авжига минди.**

Кутилмаганда айвондан эшитилган чинқириқ мезбонларни ҳам, меҳмонларни ҳам оёққа турғазди. Маълум бўлишича, меҳмон бола ўйнаб туриб, бошини темир панжара орасига суқиб, қайтариб чиқаролмаётган экан. Обдон уринишса ҳам эвини қила олишмади. Тутқинни қутқариш иложи йўқдек кўринарди. Бу орада боланинг юзлари қизариб-бўзариб, қулоқлари шилиниб кетди.

Шу пайт қаёқдандир халоскорлар етиб келишди. Қамчиқ қидирув-қутқарув бирикмасининг йигитлари темирни қирқиб, меҳмон болани озод қилишди.

— Бундай ҳодисалар бот-бот бўлиб туради, — дейди бирикма командири майор Тўрамирза Орипов. — Шундай вазиятларда Ангрен шаҳри ва атроф қишлоқларнинг аҳолиси дарҳол бизга мурожаат қилади. Шу йилнинг ўтган муддатида йигитларимиз юз элликдан ортиқ чақириққа чиқиб, неча ўнлаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолдилар.

Бир воқеа шаҳарда овоза бўлиб кетди. Иккинчи гуруҳ ногирони Назия Гаделшина иккинчи қаватда яшайди. Тоза ҳаводан нафас олгани ташқарига чиқаётиб, дори-дармони ва калитини ичкарида унутиб қолдиради. Аксига олиб, ҳовлига етиб чиқмасиданоқ юрак хуружи тутиб қолади. Дарди кучайиб, онахон оғир аҳволга тушиб қолганида, уч йигит пайдо бўлди. Улар бир-бирларининг устига чиқиб, тирик нарвон ясашди. Эшик очилиб, онахон дорисини олиб ичгунича йигитлар тушган машина анча олислаб кетди. Кейинчалик аниқланишича халоскорлар Қамчиқ қутқарувчилари майор Тўлқинхон Иноятов, қутқарув усталари Фарҳод Қурбонов билан Ғайрат Эрматовлар экан. Назия опа ўз меҳрибонларига чин юракдан ташаккур билдирди.



*СУРАТДА: 1. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қамчиқ қидирув-қутқарув бирикмаси командири майор Тўрамирза Орипов қароргоҳ бошлиғи майор Тўлқинхон Иноятов билан суҳбатлашмоқда. 2. Кичик сержант Зиёда Юллиева ўқув машғулотини ўтказмоқда.*

*Даврон АҲМАД олган суратлар.*

# ҚУТЛУҒ САНА ШАРАФИГА

**Бекобод саноат корхоналари жамоалари шаҳарда мамлакатимиз мустақиллигининг ўн бир йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бораётган ҳаракатда фаол қатнашмоқдалар. Улар иш суръатини тобора ошириб боришяпти.**

Шу туфайли топшириқларни доим зиёдаси билан бажаришяпти. Куни кеча шаҳар саноатчиларининг жорий йилнинг биринчи ярмидаги иш натижалари сарҳисоб қилинди. Шу давр учун белгиланган режа муваффақиятли уддалангани маълум бўлди. Топшириқ 100,2 фоиз қилиб адо этилди ва қўшимча бир неча миллион сўмлик турли маҳсулотлар буюртмачиларга етказиб берилди. Саноатчиларнинг бундай ютуқларига шаҳардаги байроқдор корхона — Ўзбекистон металлургия комбинати салмоқли улуш қўшди. Жами маҳсулотнинг деярли олтидан беш қисмини — 23 миллиард сўмлигини ишлаб чиқарди. «Бекободцемтаъмир», «Бекободнон» ва бошқа қатор корхоналар ишчи-хизматчилари ҳам самарали меҳнат қилишяпти.

*Тўхтанисо ЖЎРАБЕКОВА.*

## Янги ўқув йилига шаймисиз?

**Мактабларни келгуси ўқув йилига тайёрлашда баҳамжиҳатлик Бўстонлиқда яхши анъанага айланди.**

**Қишлоқларда бўлиб, янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши билан қизиқсангиз, сизни, албатта, 28-ўрта мактабга бошлаб боришади. У Янгиовулда жойлашган. Кўпқаватли янги бино, олд томонидаги ям-яшил боғ олисдан кўзга ташланиб туради.**

# МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Бино мустақиллик тенгдоши, шу боис ўқув йили тугаши билан ҳафта-ўн кун ичида «чақа» жойлари ямалиб-бўялиб, фан кабинетлари кузги қўнғироққа тайёрлаб қўйилади-да, ўқитувчилар жамоаси ёзги таътилни бошлайди.

— Бу йил ҳам шундай қилдик, — дейди директор Сулаймон Тилепбоев. — Фан кабинетлари янги ўқув йилига тайёр. Фақат спорт залининг томини сақичлаб, «қора қоғоз» ёпиш қолди. «Янгиовул» ширкат хўжалиги ёрдам бераяпти. Эрта-индин бу ташвишдан ҳам қутиламиз.

Тилепбоев — катта педагогик тажрибага эга, сермулоҳаза одам, мактабнинг бугунги ҳолати, эрта-индинги режалари хусусида кўп ўйлайди. Қирқ беш йиллик умри шу мактабда илмий бўлим мудири, директор лавозимларида ўтган.

Неча йилки, 28-мактабда ўқитиш кабинет усулида олиб борилади. Рейтинг асосидаги тажриба-синов мактабига айлантирилган бу педагогик жамоада малакали ўқитувчилар оз эмас. Физика фани ўқитувчиси Яхшигул Каримбоева дарсларни кўргазмали ташкил этиш борасида юқори малакага эга. Қозоқ тили ўқитувчиси Гулноза Исмоилова, кимё фани ўқитувчиси Комила Турсунқулова, рус тили ўқитувчиси Гулданой Мирзабоеваларнинг ўқувчилари туман ва вилоят фан олимпиадаларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишяпти.

— Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас, — оҳиста сўзлайди Тилепбоев. — «Бинолардан самарали фойдаланиш» ниқоби остида ҳар ўқув йили бошланиши олдидан синфларни қайта гуруҳлаштириш бошланади. Мана шу мактабимизда ўнта синф бошқаларига қўшиб юборилади. Қарабсизки, ҳар синфда 35-40 ўқувчи дарс бошлайди. Бу ўқитишни рисоладан чиқариб юборади. Рейтинг усулига ўтиш билан бу ноқулайлик яна ҳам кучайди. Деярли барча мактабларда аҳвол шу...

Таълим тизимини молиялаштириш билан боғлиқ бу муаммо янги эмас, албатта. Хўжаликлар, акциядорлик жамиятлари, фирмалар, кичик ва хусусий корхоналар таълим-тарбия муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш, биноларни янги ўқув йилига тайёрлаш борасида бевосита ва салмоқли ёрдам беришаётгани сир эмас. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Болтабоев раислигида тузилган ишчи гуруҳи янги ўқув йилига тайёргарлик билан боғлиқ масалаларни ишчанлик билан ҳал қилаяпти. Ҳомий ташкилотларнинг аксарияти ўз оталиғидаги мактаб ёки боғчага катта ёрдам кўрсатмоқда. Чунончи, «Ғазалкентойна» очиқ акциядорлик жамияти 4-мактаб эҳтиёжи учун 360 минг сўм ажратди. ГЭСлар тизмаси эса, 18-мактаб таъмири учун бир миллион сўм маблағ билан ёрдам кўрсатди.

— Ўтган йили ҳам нурчилардан шундай салмоқли ёрдам олганмиз, — дейишади мактаб раҳбарлари мамнун бўлиб.

16, 20, 40-мактаблар ҳам оталиқ ташкилотларининг ёрдами билан барвақт янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. «Енбек», «Сойлиқ», «Қўшқўрғон» ширкат хўжаликларининг мактаблар таъмирига кўрсатган ёрдамлари, айниқса, салмоқли бўлди. Яккатут қишлоғидаги 41-мактаб ҳомийлар ёрдамида янги ўқув йилига ҳийла барвақт тайёрланди. Уни кўриб, синф хоналарини айланган киши эски бинони мунчоқдай созлаб қўйган ташкилотчилар ва усталарга тасанно айтади. Аммо шу ишчан педагогик жамоанинг ҳам «дилхиралиги» йўқ эмас. Мактаб учун янги бино қурила бошланганига кўп бўлди, лекин маблағ етишмовчилиги туфайли қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган. Туманда ҳийла эскириб, тамомила қайта таъмирлашга муҳтож бўлиб қолган мактаблар ҳам йўқ эмас. Шу сабабга кўра Паргос, Боғчаовул, Хумсон, Айдарали, Чорбоғдаги мактабларни капитал таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

— Уларни ҳам август ойи ўрталаригача ўқув йилига тайёрлаб улгуришимиз керак, — дейди туман халқ таълими бўлимининг мудири Комилжон Нишонов. — Ҳозир қайта тиклаш, суваш-бўяш ишлари авжида. Бу ишларни вақтида ва сифатли бажариш учун жамики чора-тадбирларни кўряпмиз.

Янги ўқув йилига тайёрлаш фақат созлаш-қайта тиклаш ёки суваш-бўяшдангина иборат эмаслигини ҳам Бўстонлиқда яхши билишади. Халқ таълими бўлимининг мудири К.Нишонов, жумладан, ўтин-кўмир ғамлаш, педагогик жамоаларни янги, ёш мутахассислар билан тўлдириш ташвишлари билан юрипти.

— Мактабларни иситиш учун кўмир олгани Ангрен разрези билан шартнома тузганмиз, — дейди у. — Ҳозиргача 200 тонначя олдик. Жами 1735 тонна кўмирни ташиб олишимиз керак.

Ўқитувчи кадрлар танқислиги ҳам эски муаммолардан. Бу йил педагогика ўқув юртларини битирган 34 ёш ўқитувчи туман мактабларида иш бошлайди. Аммо, билим даргоҳларида 200 ўқитувчи ўрни бўшлиги назарга олинса, кадрлар танқислиги ниҳоятда кучли эканлиги тушунилади. Айниқса, кимё, физика, биология, жисмоний тарбия ўқитувчиларига эҳтиёж катта.

Тўғри, ёш ўқитувчиларнинг мактабда муқим ишлаб кетишлари учун кўп иш қилинмоқда. Чунончи, уларнинг маиший турмуш шароитларини яхшилаш чоралари кўриляпти, уй-жой қуриш учун ер майдонлари ажратиб берилаяпти. Баъзи хўжаликлар ва ташкилотлар муқим ишлаб келаётган ўқитувчиларнинг моддий-молиявий таъминотини яхшилаш чоарларини ҳам кўришаяпти.

Яна бир муаммо ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашга бориб тақалади.

...Сентябрь яқинлашаяпти. Ҳадемай ўқувчилар жонажон мактаблари бағрига тўпланишади. Ўқув йилини рисоладагидек, муваффақиятли бошлаб юбориш кўп жиҳатдан бугунги тараддудга боғлиқ. Буни чуқур англаб, Бўстонлиқда янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари баҳамжиҳатлик ва катта маъсулият билан давом эттирилмоқда.

*Жўрабек МУРОДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.*

*«Туркистон-пресс» хабар қилади*

# «АСР СИФАТИ»

***«Устозода» халқ санъати корхонаси яқинда Испаниянинг «B.ID» халқаро ташкилоти тасис этган «Аср сифати» совринини қўлга киритди.***

— Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг «Усто» махсус ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги бу корхонага 600 нафарга яқин халқ амалий санъати усталари аъзо бўлишган, — деди корхона директори Абдураҳим Умаров. — Корхонамиз улар яратаётган санъат асарларини чет мамлакатларга намойиш этмоқда.

# «WESTERN UNION» – етакчи

***Бизнес банк Ўзбекистон банклари орасида биринчилардан бўлиб, аҳолига тезкор пул жўнатмалари хизмати «WESTERN UNION» халқаро тизимини таклиф қилганди.***

Айни кунда ундан 300 дан зиёд мижоз фойдаланмоқда.

Ойига «WESTERN UNION» тизими орқали олти минг пул жўнатмалари амалга оширилмоқда. Ўтган бир йил ичида 25 минг мижоз компания хизматидан фойдаланган. Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий пул жўнатмаларидан 82-85 фоизни ташкил этади.

# ШАХСИЙ АВТОУЛОВЛАР САБАБ

***Автотранспорт воситалари узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилгани учун ҳам ҳаётимизга тобора кириб бормоқда. Айниқса, шахсий автоуловлар сони йилдан-йилга ортиб боряпти.***

Биргина Қибрай туманида ҳозирги кунда 17 мингга яқин автоулов мавжуд. Уларнинг 14 минг 106 таси шахсий автомашиналардир. Бундан ташқари, 706 та мотоциклларнинг ҳам бор-йўғи 16 таси давлат ҳисобига тўғри келади.

– Бу албатта қувонарли ҳол, – деди туман Ички ишлар бўлими Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлими ходимлар бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Эрмат Нурохунов. – Демак аҳолимизнинг турмуш даражаси юксалаётир. Лекин улар билан эҳтиётсиз муносабатда бўлинса, автоулов, бахтсизлик, қолаверса фалокат манбаи ҳамдир.

Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида шундай эҳтиётсизлик туфайли туманимизда эллик олтига йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди. Натижада ўн беш киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Олтмиш нафар киши эса, турли даражада тан жароҳати олди.

Бу ҳол туман йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан таҳлил қилиб чиқилди. Йўл ҳаракати ҳодисаларининг 11 таси хизмат машиналари ҳайдовчилари томонидан, 45 таси эса шахсий автоулов эгалари томонидан содир этилганлиги аниқланди. Бу жами транспорт ҳодисаларининг 85 фоизини ташкил этади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, шахсий автоулов эгалари томонидан ўтган йилнинг беш ойида ҳам ана шунча йўл ҳодисаси содир этилган эди. Лекин ҳалок бўлганлар сони бу йил учтага кўпайган.

*«Туркистон-пресс» хабар қилади*

Асосий қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ




**60-модда. Сиёсий партиялар турли табақалар ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларининг молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ва у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора равишда ҳисоботлар бериб турадилар.**

Сиёсий партия — қарашлари, манфаат ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, жамият муайян қисмининг давлат ҳокимиятини шакллантиришдан иборат бўлган сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг кўнгилли бирлашмаси ҳисобланади.

1996 йил 26 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунига асосан сиёсий партиялар ҳокимиятининг олий ва маҳаллий вакиллик органларига номзодларини кўрсатиш; сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш; ҳокимиятнинг вакиллик органлари таркибида партиявий фракция ва гуруҳларни тузиш ҳуқуқларига эга.

Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсий партияларнинг қонуний манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳамда эркинликларини кафолатлаб, уларга ўзларининг низомларида белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларини бажаришда бир хил ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларни тузиш учун кўпчилик фуқаролар иштирок этиб, камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида беш минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади.

Агар сиёсий партиялар Конституция, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда ўзининг низомига зид тарзда фаолият олиб борса, у ҳолда Адлия вазирлиги сиёсий партия фаолиятини вақтинча тўхтатади. Айрим фавқулодда вазиятлар содир бўлган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди сиёсий партиянинг фаолиятини тугатиши мумкин. Ундан ташқари сиёсий партиялар ўзининг низомига асосан фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Бундай ҳолатда партиянинг юқори органи уч кунлик муддатда Адлия вазирлигига маълумот беради.

Сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи, оммавий-ижтимоий ҳаракатлар диний ташкилотлардан, хорижий давлатлар ва ташкилотлардан, чет эл фуқароларидан молиявий ва бошқа моддий ёрдам олишлари тақиқланади, улар томонидан юборилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан давлат фойдасига ўтказилади.

Сиёсий партиялар ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қилишлари лозим. Сиёсий партиялар фуқаролик қонунчилигида белгиланган тартибда юридик шахс ҳуқуқларидан тўла равишда фойдаланади.

Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини маблағ билан таъминлаш манбалари тўғрисида Олий Мажлис ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этадилар.

***Эргаш САЙИТОВ,*** *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.*

***Ўзбекистон Фанлар академияси "Академасбоб" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида илмий асбобсозлик бўйича тажриба-конструкторлик ишлари, жумладан, янги лазер технологиялари асосида фан, техника, тиббиёт, экология, саноат ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаларга мўлжалланган асбоб-ускуналар яратилаётир.***

# Лазер қурилмалари қўл келяпти

Изланишлар натижаси ўлароқ, қуввати ўзгарадиган турли технологик лазер қурилмалари, тиббиёт соҳаси учун лазер асбоблар, урология йўналиши бўйича микрооперацияларни бажариш учун электрожарроҳлик ускуналари, ҳаводаги радон концентрациясини ва ер юзи қатламидаги радионуклидларни аниқлайдиган ускуналар амалда кенг фойдаланилмоқда.

Шуниси эътиборлики, шу кунга қадар Тошкентда 22 ана шундай тизим ўрнатилган бўлиб, унинг йиллик самараси 300 миллион сўмни ташкил этмоқда. Боз устига, металлдан ишланган газ ва сув қувурларини занглашдан сақлаш учун мўлжалланган ҳимоя станцияси ҳам жуда қўл келмоқда.

***Назокат УСМОНОВА,*** *ЎзА мухбири.*

# "ЎЗКИМЁСАНОАТ": ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Давлат мулки қўмитаси, Корхоналарни индивидуал хусусийлаштириш бюроси ҳамда "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси ҳамкорликда кимё саноати тизимидаги очиқ акциядорлик жамиятларининг тақдимот маросимини ўтказди.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги "2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ кимё саноати тизимидаги мазкур корхоналарнинг деярли 50 фоиз акциялар пакети хориж сармоядорларига сотилади.

Анжуман иштирокчиларига ушбу корхоналар ҳақидаги барча маълумотлар тақдим этилди, инвесторларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

***Меҳри БОЛЛИЕВА,*** *ЎзА мухбири.*

# Толаси — тилло, чигити — мой



**Бугунги кунда жаҳон бозорида пахта толаси сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис олимларимиз эртапишар, тола чиқими ва чигитининг ёғлилик даражаси юқори, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган ғўза навларини яратиш йўлида тинимсиз изланишлар олиб бораётир.**

Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти олимларининг янги навлар яратиш, сифатли уруғлик ва пахта етиштиришнинг технологик жараёнини такомиллаштириш, чигитни экишга тайёрлаш ва сақлашнинг илмий асосларини яратиш соҳасидаги ишлари, айниқса, эътиборга лойиқ.

Бу борада "Қарши-8", "Омад", "Оққўрғон-2" сингари кўплаб янги ғўза навларини тилга олиб ўтиш жоиз. "Сурхон-6", "Сурхон-8", "Қарши-9" сингари ингичка толали навлар эса эртапишарлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги кунда бундай ўнлаб янги нав қарийб олти юз минг гектар ерда парваришланмоқда. Ҳудудлар иқлим шароитига мослаштирилган бундай навларни экишдан олинган иқтисодий самарадорлик бир йилда беш миллиард сўмни ташкил этаётир.

***Баҳор ХИДИРОВА,*** *ЎзА мухбири.*

## ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар ◦ одамлар ◦ воқеалар

### МОТАМГА АЙЛАНГАН БАЙРАМ

27 июль куни Украинанинг Львов шаҳрида аянчли фожеа юз берди. Украина ҳарбий ҳаво кучлари 14-авиация корпусининг олтмиш йиллиги муносабати билан ўтказилган кўргазмали парвоз пайтида улкан Су-27 қирувчи самолёти томошабинлар устига қулаб тушди. Сўнгги маълумотларга қараганда, қурбонлар сони 83 кишига етган, жароҳатланганлар эса юздан ортиқ, уларнинг орасида болалар ҳам бор. Учувчилар катапульт ёрдамида жон сақлаган. Хабарларда айтилишича, учувчилар жуда паст баландликда қалтис томоша кўрсатмоқчи бўлган ва баҳайбат машинани бошқара олмай қолган.

Айни пайтда жабрланганлар Львов шаҳридаги касалхоналарга ётқизилган. Украина президенти Л.Кучма фожеа содир бўлган куни Львовга етиб келиб, жабрланганларнинг ҳолидан хабар олди. Шунингдек, қурбонларнинг оила аъзоларига ёрдам беришни шахсан ўз назоратига олишини маълум қилди.

Украина президенти фожеа муносабати билан телевидение ва радио орқали халққа мурожаат қилиб, ушбу фожеа муносабати билан 29 июлни мотам куни, деб эълон қилди.

### ЯНА БИР ТЎҚНАШУВ

Исроил аскарлари билан Фаластин жангарилари ўртасида яна тўқнашув юз берди. Бу галги тўқнашув Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Хеврон шаҳрида рўй берган. Хабарда айтилишича, фаластинликларнинг Исроил аскарларига қарата тош отиши низонинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Натижада 15 нафар аскар жароҳатланган.

### НИЗО ТУФАЙЛИ

Бир неча йилдирки, Сомалида аҳвол ҳамон нотинч. Мамлакатда маҳаллий жангари гуруҳлар ўртасида тўқнашувлар одатий тусга айланган. Навбатдаги тўқнашув раханвей қаршилик армиясининг икки қарама-қарши гуруҳи ўртасида келиб чиққан. Оқибатда 15 киши ҳалок бўлган ва ўнлаб одам жароҳат олган. Ҳалок бўлганларнинг деярли барчаси тинч аҳоли вакилларидир.

### ШАҲАРНИ ТАРК ЭТИШМОҚДА

Страстбургда икки мингга яқин аксилглобалчилар француз полициячилари қаршилигига дош беролмай шаҳарни тарк этмоқда. Безорилик ҳаракатлари билан давом этган ўн кунлик норозилик намойишлари охир оқибатида 60 га яқин тартиббузарларнинг қўлга олиниши билан якун топди.

Орамиздаги одамлар

# ТИНИБ — ТИНЧИМАС...

**Анатолий Николаевич Кудинов билан биринчи бор 1962 йилнинг ёзида — «Тошкент шаҳар телефон тармоғи»да ўтказилган мажлисда кўришган эдим. Ўшанда муҳандис эдим, Анатолий Николаевич эса, Ўзбекистон Алоқа вазирининг ёрдамчиси эди. Ўшангача унинг номини кўп эшитган бўлсам-да ўзини ҳали кўрмагандим.**

Мажлисни бошқарувчи «сўз алоқа вазирлиги вакили А.Кудиновга», дейиши билан чиройли, басавлат йигит чаққонлик билан минбарга чиқиб келди. Шу куни кўп нотиқлар сўзга чиқишди, лекин А. Кудиновнинг сўзлари ҳаётий далиллар ва фикр-мулоҳазаларнинг теранлиги билан ажралиб турди. Орадан бир кун ўтгач, газетада шу мажлис ҳақидаги хабар босилди. Материал сўнгида А. Кудиновнинг имзоси турарди.

Ўтган йиллар мобайнида турли газеталарда А. Кудиновнинг юзлаб мақолаларини ўқидим. У баъзиларга ўхшаб фамилиясидан сўнг лавозими, унвонларини қўшмайди. Йиллар ўз ҳукмини ўтказган бўлса-да, ҳамон ўша тиниб-тинчимас, воқеалар оқимидан энг долзарбларини ажрата олувчи ва уни зудлик билан матбуот орқали оммага етказувчи ҳозиржавоб ижодкор сифатида танилиб келмоқда...

Мактабни аъло баҳолар билан тугатган А.Кудинов университетга кириб, 1955 йили ўқишни муваффақиятли тамомлади. Унга аспирантурада ўқишни давом эттиришни таклиф этишди, лекин ёш мутахассис ишлаб чиқаришни танлади. У йўлланма билан республикамиз Алоқа вазирлигига юборилди. Шундан буён алоқа соҳасида меҳнат қилиб келмоқда.

Ишдан ажралмаган ҳолда Москва алоқа институтининг иқтисод факультетини тугатгач, Алоқа вазирлигида иқтисодчи, катта муҳандис, вазир ёрдамчиси ва бошқа қатор масъул вазифаларда ишлади.

А.Кудинов 1974 йили Тошкент вилояти алоқа-ишлаб чиқариш бошқармасига бошлиқ этиб тайинланди ва унга 17 йил раҳбарлик қилди. Анатолий Николаевичнинг ишбилармонлик, ташкилотчилик қобилияти шу ерда яққол намоён бўлди. Унинг саъй-ҳаракати билан ўша даврдаги мавжуд барча коммутаторлар АТСларга алмаштирилди. Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси тўлалигича кабел тизимига ўтказилди, кабел магистраллари қурилди, янги техника ва технологиялар жорий этилди.

1991 йили яна алоқа вазирлигига қайтган А.Кудинов корхоналар раҳбарлари кенгаши раисининг ўринбосари этиб тайинланди. Ҳозир у Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг матбуот котиби вазифасида ишлаб келмоқда. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқачи», «Алоқа устаси» унвонларининг соҳиби.

Анатолий Николаевичнинг айтишича, биринчи мақоласи мактабда ўқиб юрган кезлари чоп этилган экан. Унинг Ўзбекистон алоқа хизмати соҳасидаги янгиликлар, мустақиллик туфайли амалга оширилаётган ислоҳотлар, чет эллик шериклар билан қилинаётган ҳамкорликлар, замонавий иншоотларнинг қурилиши ва ишга туширилиши, хизмат турларининг кенгайиши, меҳнат жамоаларининг ҳаёти, жорий этилаётган илғор техника ва технологиялар, улкан режалар, муаммолар ҳақидаги мақолалари ҳамон республикамизнинг турли газета ва журналларида мунтазам эълон қилиб келинаяпти.

Анатолий Николаевич эса ҳамон ўша-ўша. Ундаги ўз касбига садоқат, жонкуярлик ва қатъиятга кўплар ҳануз ҳавас қилишади.

***Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ,*** *алоқачи-муҳандис.*

# «ОФИС-МАРКЕТ» КЕНГАЙМОҚДА

**Пойтахтдаги Офис-маркет компаниясининг янги савдо мажмуаси ишга тушди. Ўз маҳсулотлари билан Ўзбекистон ташқи ва ички бозорида муносиб ўрин эгаллаган Офис-маркет компанияси фаолиятини 1998 йилда кичик оилавий бизнесдан бошлаган эди.**

Компания бошланғич маблағи эвазига Япониядан ускуналар келтириб, дастлабки концелярия маҳсулотларини ишлаб чиқарган. Ўтган тўрт йил ичида компания ўз фаолияти тармоғини анча кенгайтирди. Ишлаб чиқаришни сифатли амалга ошириш мақсадида замонавий техникалар билан жиҳозланди. 100 нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланди. Ҳозирда корхонанинг ўзида мактаб ва корхоналар учун зарур бўлган беш мингдан ортиқ қоғоз маҳсулотлари, канцелярия жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотлар Ўзбекистон бозорида сифатли, арзон ва рақобатбардошлилиги билан ажралиб туради. Ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида компания янги савдо мажмуини барпо этди.

*«Туркистон-пресс».*

Болалар ёзи — 2002

# «МЕҲРЖОН» УЧУН СОВҒА



**Ғазалкент шаҳридаги 125-махсус мактаб-интернатда спорт ўйингоҳи ҳашар йўли билан мукаммал таъмирланди. Хашарчи йигит-қизлар футбол ва баскетбол майдончаларини ҳам қуриб беришди. Бу савобли иш «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бўстонлиқ тумани бўлими томонидан уюштирилди.**



Уни ўтказишга «Эъзоза» хусусий фирмаси, «Хумсон» ва «Оқтош» санаторийлари ҳомийлик қилди. «Элбек» ёшлар клубининг аъзолари жамики ишларни қисқа муддатда сифатли бажаришди.

— Шу кунларда вилоятимизнинг олис-яқин шаҳар ва қишлоқларида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, етим ва заиф болалар шу интернатда ташкил этилган «Меҳржон» оромгоҳида дам олишаяпти, — дейди мактаб-интернат раҳбари Д.Ўролов. — Спорт иншоотлари тўла ишга туширилиши муносабати билан оромгоҳимизда катта байрам бўлиб ўтди. «Ким бўлсам экан?», «Эртаклар яхшиликка етаклар» мавзуларида қизиқарли ўйинлар, билағонлик баҳслари, шунингдек катта спорт мусобақалари ниҳоятда қизиқарли тус олди.

Оромгоҳ дам олувчилари ва мактаб-интернат тарбияланувчиларига спорт анжомлари совға қилинди.

*СУРАТЛАРДА: 1. Кичкинтойларнинг қувончи чексиз. 2. Туман ёшларининг етакчиси Б.Иброҳимов «Меҳржон» оромгоҳи жисмоний тарбия раҳбари Н.Холматовага спорт анжомларини топшираяпти.*

***Суратларни В. ПОРТНОВ олган.***

# КЕЧАГИ ТАДБИРНИ ЭСЛАШОЛМАДИ

## Оромгоҳларда кўнгилдагидек дам олишга шароит етарлими?

Бу йилги ёз фаслининг ҳам роҳатбахш кунлари ўтиб бормоқда. Шу ғанимат дамларда минглаб болажонлар сўлим оромгоҳларда дам олиб яйрашмоқда, офтоб нурида тобланиб, зилол, шифобахш сувда чўмилишмоқда. Табиат неъматларидан баҳраманд бўлишмоқда. Хуллас, янги ўқув йилига, келажак ҳаётга ўзларини жисман ва руҳан тайёрлашяпти.

Мустақил юрт фарзандлари ёзги таътил кунлари қувнаб ҳордиқ чиқариши учун оромгоҳ ва сиҳатгоҳларда ҳамма шароитни яратиб бериш соҳа мутасадди ва мураббийларининг асосий вазифаси. Бу борадаги ишлар қандай ташкил этилганини кўриш ниятида яқинда Паркент туманидаги «Бойчечак» болалар оромгоҳида бўлдик.

Аввало шуни таъкидлаш жоиз, ушбу маскан Кумушкон этагидаги хушманзара ҳудудда жойлашган. У ерга боргач, бизга яна бир манзур бўлган томони, оромгоҳда қатъий тартиб ўрнатилгани бўлди. Дарвоза олдидаги навбатчилар ташриф буюрувчиларга хушмуомалалик билан муносабатда бўлишлари бизда илиқ таассурот қолдирди. Мақсадимизни билгач, улар мазкур муассаса мутасаддиларини топиб беришди.

Баҳром Икромов бошчилигида «Бойчечак» оромгоҳи ҳаёти билан таниша бошладик. Ошхонада тушликка биринчисига кесма хамир овқат, иккинчисига қовурилган гўшт билан перловка пиширилаётган экан. Таом тайёрлаш жараёни рисоладагидек кетяпти. Аммо...

Идиш-товоқ ювишда ишлатиладиган фоизли хлор эритмаси тугаган шекилли, идиш қуп-қуруқ. Янгисини тайёрлаб беришмадими, деб сўрасак, хизматчилар «бор» дейишди-ю, «мана», деб кўрсатишмади.

Ошхона ортидаги махсус ўрнатилган тахта қалқонда ёнғинга қарши қўлланиладиган буюм ва воситалар йўқ ҳисоби. Ўт ўчиришда ишлатиладиган суюқ модда тўлдирилган идиш қачон текширувдан ўтказилганини, яъни пломбаланган муддатини билиб бўлмайди. Қизиқ, ёзнинг иккинчи ойи ўтибдики, нахотки оромгоҳ раҳбарлари бунга эътибор беришмаган. Ёки олдимиздан ариқ тўлиб сув оқаяпти, деб хотиржам юришибдими?

Энди оромгоҳ ҳаётининг маънавий ишларига тўхталсак. Маълумки, ўқувчининг оромгоҳдаги ҳар бир куни сермазмун, уни қизиқтирадиган, ўзига жалб этадиган турли тадбирлар билан ўтиши даркор. Кунлар айнан шундай ўтиши учун шубҳасиз, оромгоҳнинг ҳар бир ходими масъул. Хўп, бу борада «Бойчечак»да олиб борилаётган ишлар қониқарлими?

Айнан шу ўринда яна бир савол пайдо бўлади: хўш, иш режаси нима учун тузилади? Жавоб ҳам кутилганидек лўнда ва аниқ: албатта уни бажариш учун! Бош тарбиячи Миршоҳид Миракмаловнинг иш режаси билан танишамиз. Унда ёзилишича биз боришдан бир кун бурун дам олувчилар ўртасида «Балли, йигитлар!» танлови ўтказилган бўлиши керак экан. Эҳтимол ўтказилгандир. Қизиқиб, уч ўспириндан сўрадик.

— Машъала атрофига тўпландик, — деди биринчиси, — ашула айтдик, ўйнадик.

— Югурдик, — дея жавоб берди иккинчиси.

— Шунчаки ўзимиз суҳбатлашиб ўтирдик, — деган гап билан сўзини мухтасар қилди, учинчи суҳбатдошимиз.

Қисқаси, бош тарбиячининг болаларга такрор ва такрор «эслаб кўр» дейишлари беҳуда кетди. Улар бош тарбиячи иш режасида белгиланган танловни негадир «эслашолмади».

Маълумки, ёшликда ҳар бир бола жазирама ёз кунлари ариқ, ҳовуз ва кўлларда мириқиб чўмилишни яхши кўради. У саломатлик учун ҳам яхши. Оромгоҳ ҳудудидаги ҳовуз яқинига борди-гу, унга қараб қолдик. Сабаби, сув йўқ эди. Сал олдин тарбиячилардан «болалар ҳар куни чўмилишяптими» деб сўрасак, «ҳа» деб жавоб беришганди. Ҳовузга қаратилган кран жўмраги бир неча дақиқа олдин очилган чоғи, унинг бир чеккасига сув энди тўплана бошлабди. Савол назари билан яна бош тарбиячига ўгирилдик.

— Кеча болалар чўмилиб бўлгач, сувни янгилаш мақсадида чиқариб юборгандик, — деди у. — Энди қайтадан тўлатяпмиз.

Соат ўн учдая! Бу босимда улкан ҳовузнинг кечгача тўлиши қийинов! Болалар шундай иссиқ кунларда яйраб, кулоч отиб чўмилмаса, қачон чўмилади? Ҳар бир ишнинг вақтида бўлгани яхши эмасми?

Майли, ҳеч бўлмаса душда сув бордир, деган умидда душхонага кирдик. Жўмракларни ўнгга, чапга қанча бурамайлик, «шар» этган садо бўлмади: Устига-устак душхона деворининг у ер, бу ери кўчган. Кўринишидан мавсум олдидан сифатли таъмирланмаган. Шунда оромгоҳ раҳбари Б.Икромов изоҳ берди:

— Ишни июнь ойида қабул қилганман. Шунинг учун баъзи юмушларга улгура олмадим.

Тўғри, раҳбар ёш. Биринчи йил масъул вазифада ишлаши. Лекин у июнь ойидаёқ ҳаракат қилиб шу камчиликларни тўғрилаб қўйиши мумкин эди-ку! Қиссадан ҳисса қилиб айтганда бир гапни доим ёдда тутайлик: болаларнинг ёзги дам олиш мавсуми хўжакўрсинга юмалоқ ёстиқ қилиб ўтказадиган юмуш эмас! Ота-она фарзандини ишониб оромгоҳга юбордими, уйига саломатлиги янада мустаҳкамланиб қайтсин. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарияти оромгоҳларга эътиборни, ёш авлодга ғамхўрликни кучайтирмоқда. Демак, биз ҳам шунга муносиб иш тутайлик. Пировардида оромгоҳдан қайтган ўғилдир-қиздир ундаги завқли, бетакрор кунларни қўмсаб юрсин.

***Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,*** *«Тошкент ҳақиқати» мухбири.*



# Қувноқ спектакль

**Ёзги таътил кунларида Ўзбекистон Ёшлар театрида "Краш-Бум-Бакабанг, Мақом бизга ҳамоҳанг!" деб аталган қувноқ мусиқали спектакль премьераси бўлиб ўтди. У Theater Junge Generation – Дрезден ёш авлод театри (Германия) билан ҳамкорликда саҳналаштирилди.**

Спектаклда томошабин мусиқа фақат оҳанглардангина иборат эмас, балки гўзаллик, латофат, дард, ташвиш, ҳижрон, ҳайратнинг ифодаси эканлигини англайди. Спектаклда ҳаёт мусиқасининг тун зулматидан ёриб чиқишини эшитиш мумкин. Шу тариқа мусиқа одатийлик сукунатини енга бошлайди. Оҳанг ҳаракатга ўтади, мусиқа садолари остидаги ҳаракат эса рақсдир. Агар товушлар, шовқин, кулги, ўйинлар, цирк, рақслар жамланса, ушбу спектаклнинг мазмунини тасаввур этиш мумкин бўлади. Унда сўзлар кам бўлса-да, оҳанг ва мусиқа, масхарабозлик ва рақс, шодлик ва қайғу, қиш, баҳор, ёз ва куз – ҳаммаси бор. Айни пайтда бу оддий кун ва тун ҳикоясидир.

Режиссер Бернд Сикора (Германия) саҳналаштирган спектаклда ўзбек доирасининг миллий оҳанглари билан бирга Бетховен, Моцарт, Штраус мусиқаси янграйди.

Мусиқали спектакль премьерасида Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мартин Хекер ҳозир бўлди.

***ЎзА.***

# ДИЛФУЗА МУШОИРА ҒОЛИБАСИ

**Зомин туманида Республика ёш ижодкорларининг VI семинар-кенгаши бўлиб ўтди.**

Унда устоз шоирлар бошловчи қаламкашларга сабоқ бердилар.

Иқтидорли ёшлар мушоирасида оҳангаронлик Дилфуза Толипова ҳам ғолиб деб топилди ва семинар-кенгаш ҳомийлари тақдим этган махсус мукофотга сазовор бўлди.

***Ўз мухбиримиз.***

## Шарқ дурдоналари



# УМРИ БОҚИЙ ҲИКМАТЛАР

Дедилар: унинг учун қай бири кўпроқ зарарлидир?

Деди: ўзига муҳаббатда бўлиш ўз руҳиятига зарардир, бошқалар учун риё зарардир, чунки атрофдагилар унинг сунъий мазҳарини тўғри, ҳақиқат деб қабул этадилар ва ундан хиёнат кутмайдилар, унга ишонадилар.

Дедилар унга: очкўзлик нима-ю, бахиллик нима? Қай бирининг зарари кўпроқ?

Деди: очкўзлик қулнинг ҳаққидан кўп талаб қилишдир. Бахиллик эса, аҳлининг ҳаққига нисбатан ҳасисликдир. Очкўзлик зарарлироқдир, чунки у ёмонликнинг илдизи, зулмнинг асосидир. Очкўзлик бахилликдан устун, сабаби очкўз одамни дунёда ҳеч нима тўйдира олмайди.

Унга дедилар: барча фазилатларнинг уруғи нимада?

Деди: Ақл ва илмдадир.

Яна дедилар: ақл ва илмдан олий нарса борми?

Деди: тавфиқ иккисига зийнат беради, омадсизлик эса кишини заифлаштиради.

Унга дедилар: сабр нима?

Деди: ҳар бир ишда сабот ва матонат, ҳавоий-шаҳвоний ишларга нафрат.

Яна дедилар: ундан кейинчи?

Деди: ҳаёт ташвишларига матонат билан тик қараш, акс ҳолда мақтовдан шармандаликка юз тутилади.

Яна дедилар: кейинчи?

Деди: истаклар кўпайиб кетганда ҳавога бардош бериш, жаҳл келганда, ғазабга йўл бермаслик.

Дедилар: кейинчи?

Деди: фазилатни ҳайдайдиган турли макруҳ нарсалардан эҳтиёт бўлиш. Сабрнинг кўриниши тўртта: сабот, кафт, эҳтимоллик ва журъатдадир.

Сабот — қиммат нарсаларга нисбатан;

Кафт — ҳаром ва гуноҳга олиб борувчи нарсалардан;

Эҳтимол — фазилат ва мурувватга етакловчи нарсаларнинг келишига ҳозир бўлмоқлик;

Журъат — нажот ва ютуққа бошловчи ишларга вақтида қўл урмоқликдир.

Деди: сабр шукрдандир, шукр эса фазилатдан. Сабрнинг икки тури бор: Аллоҳ таолога итоат этишликдаги сабр ва маъсият этмасликка сабр. Итоатда бўлишлик сабри фарз амалларни адо этишликдир, унга маъсият этмасликка сабр эса, ҳаромхаришлардан нари юрмоқликдир.

Тадбир ҳақида гапириб, деди: бу олимнинг даволаши бор нарсадир.

Унга дедилар: олимнинг даволаши нима?

Деди: ҳам касалликни, ҳам давони баробар билишидир.

Деди: тадбир масаласида бундан юқорироқ ғоя борми?

Деди: Ҳа, илм ва амалнинг бирлиги, уларнинг бирликдаги кучи билан нарсаларнинг фойдали тарафлари ва фазилатлари қўлга киритилади ва шу орқали ғояга эришилади. Амаллар олимнинг ҳаракати ва иродаси туфайли содир бўлади.

Унга дедилар: бахтнинг аломати нима?

Деди: севган нарса содир бўлганда ҳам, макруҳ, яъни бандасига ёқмаган нарсалар содир бўлганда ҳам бирдек Аллоҳдан рози бўлишлик, қаноатда бўлишлик, ҳамда ёмон истаклардан қалбини тозалашлик — бу саодатдир.

Унга дедилар: карам нимада?

Деди: аҳдига вафоликдадир.

Унга дедилар: пасткашлик нимада?

Деди: ноҳақ айблашда, худди бўрининг қўзичоққа ўтган йили менга бир гап айтгандинг деган баҳонаси каби.

Унга дедилар: манфаатли одоб нима?

Деди: сен бировдан ўрганасан, биров сендан ўрганмайди.

Унга дедилар: ақлнинг кўплиги нима?

Деди: сабрнинг кучи билан ҳаёт ташвишларини ўзидан йироқлаштириш деганидир.

Унга дедилар: сизларга нима бўлди, китоблар устида шундай эгилдингизки одамлар сизни кўриб, қўлидан келгани шу экан-да деб ўйлашади?

Деди: бунинг сабаби шуки, биз фахр учун илм олмаймиз, ундан фойдаланиш учун ўрганамиз.

Унга дедилар: сизларга нима бўлди, бошқаларга шафқат қилиб, аҳволингизни янада аянчлироқ қиласиз?

Деди: дунё сурурларида офатларга тенг келадиган ҳеч нима йўқлигини билганимиз учун.

Унга дедилар: сизларга нима бўлди, илгари ҳеч бир подшоҳларга насиб бўлмаган мақтовларга ҳам эътибор бермай, суриб ташлаяпсиз?

Деди: чунки биздан илгариги энг кўп мақталган ҳам охири норозиликларга учраганликларини билганимиз учун шундай йўл тутамиз.

Унга дедилар: аччиқ нарса нима?

Деди: керакли одамлар қолиб, бошқаларга мурожаат қилиш.

Унга дедилар: энг ишончсиз нарса нима?

Деди: жоҳилдан маслаҳат олмоқлик.

Унга дедилар: қўлдан кетган қайси фурсатга кўпроқ ачинасиз?

Деди: бирор хайрли ишга қодир бўла туриб, вақтида қилмай орқага сурганимизга. Балки у фурсат энди қайтмасдир.

***Маҳмудхўжа НУРИТДИНОВ.***

*(Охири. Боши ўтган сонларда).*

## Қатра

# АРАВА

Бир гап айтайми, мактабга боришни ўлгудай ёмон кўраман. Аниқроғи, билишим керак бўлган рақамлар, тенгламалар, теорема, исботлар, аллақандай элементлар, грамматик сўз туркумларими-ей, хуллас, ҳаммаси жонимга теккан. Дарсда зерикиб-эснаб ўтирганимда, қўнғироқ жаранглашини қанчалик орзиқиб кутишимни билсангиз эди! Дарсга кириш учун қўнғироқ чалинганида-чи?! Шундан кўра...

Бир куни дарсга хўжалик ишлари бўйича мудир Солиҳ амаки билан ташкилотчимиз Асқар ака кириб келишди.

– Марказга юк машинасида бориб келиш учун уч-тўртта ўғил бола керак, — деди Асқар ака жилмайиб.

Ҳаммамиз қийқириб осмонга учиб кетай дедик.

Шунда Асқар ака босиқлик билан: оббо, шоввозлар-ей, сизларни бир синаб кўрмоқчи эдим. Ҳеч қанақа машина-пашина йўқ. От-аравани уддалайдиган одам керак, холос. Эски кийим кийиш керак, оҳак идиш катта, қўпол, – дедилар.

Ҳафсаласи пир бўлган болалар бирин-кетин қўл силтаб, жойларига ўтиришди.

Мен ундай қилмадим. Дарров кўна қолдим. Биринчидан лафз деган нарса бор, шу чет тилидан қутилганимга шукр. Бугунгисику бугунги, кейинги дарсдан ҳам қутуламан. Ўқитувчим кечаги вазифани сўраса, узрли сабаби бор, дейман. Қолганини синфдошларимнинг ўзлари боплайди. Қизларни-ку, қўяверасиз, ичи тўла гап. Айниқса биринчи партада ўтирадиган Мадинани кўргани кўзим йўқ.

Нуқул ўқитувчилардан олдин, «Шерматов, уй ишини бажардингми?» деяверади. Тунов куни физикадан жавоб беролмасам, Абдуғани ака ўтир «икки» деса, «Шерматов кундалигингга қўйдирмайсанми», дея бидирлади.

Бу олифтанинг ҳеч ким мушугини «пишт» демайди. Сочини новвот рангга бўяб, қубба қилиб турмаклайдими-ей, кеннойисининг либосларини киядими-ей, бошқаларни жеркийдими-ей, хуллас, бутун синфни ўзига қаратмоқчи бўлади, бақалоқ, бижилдоқ...

Бир амаллаб мактабни битириб олсам бўлгани. Келгусида қандай касб эгаси бўлишимни билмайману ҳарқалай, шофёр бўлишни орзу қиламан.

Кўпинча охирги дарслардан қочиб, қўшнимиз Хайрулла акамнинг шағал ташийдиган машинасига илашволаман. Машинани канал ёқасида ювамиз, эт-бетини тузатамиз. Ойим эшитмасинлару ҳатто Хайрулла ака ёнимда ўтириб, машинани ўзим икки-уч чақирим бошқарганман ҳам. Машинада ўтириб узоқ манзилларга сайр қилиш гаштини билсангиз эди сиз ҳам ҳеч иккиланмай, фақат ҳайдовчилик касбини танлаган бўлардингиз. Буларнинг бари майлику-я, Мадинанинг бир гапи баъзан мени ўйлантириб қўяди: «Шу ўқишинг, шу фаҳм-фаросатинг бўлса, биров сенга машина тугул, эшак аравани ҳам ишониб топширмайди», дейди у. Шундаймикан...

***Муҳайё ТЎЛАГАНОВА.***

## Ўзбек футболининг 90 йиллигига

# АКА-УКА АНЛАР СУЛОЛАСИ

Жамоа кейинги мавсумни янги мураббий С. Будагов билан бошлади. Д. Шегай жамоа бошлиғи, И. Тазетдинов эса, ўйновчи мураббий бўлди. Якуний жадвалда жамоа яна бир поғона юқорига кўтарилди. 1965 йилги мавсумда Олмаотанинг «Қайрат» жамоасида мураббий сифатида фаолият кўрсатган Чен Ир Сон бош мураббийлик вазифасига таклиф этилди. 1965 йилдан бошлаб Дмитрий Ан «Политотдел»да ўйнай бошлади. У



кўпинча 9-рақам билан марказий ҳужумчи сифатида майдонга тушар, тез-тез ҳал қилувчи тўпларни киритарди. Ушбу мавсумда жамоага осон кечмади – зеро у, «А» синфининг иккинчи гуруҳида «Қайрат» (Олмаота), «Жальгирис» (Вильнюс), «Шинник» (Ярославль), «Заря» (Луганск), «Даугава» (Рига), «Днепр», «Арарат», «Карпати» ва бошқа атоқли жамоаларга рақиб эди. Бироқ, янги клуб машҳур жамоалардан қолишмасдан ҳар қандай рақиб билан шиддатли кураш олиб борди. Чунончи, «Жальгирис» – 2:0, «Қайрат» – 1:0, «Олға» – 2:0, «Кубань» – 3:0 ҳисобида мағлубият аламини тортди. Биринчи мавсумнинг ўзидаёқ деярли барча ўйинларда қатнашган ҳолда Дмитрий жамоанинг етакчисига айланди ва команданинг энг сермаҳсул ҳужумчилари қаторидан ўрин олди. 1965 йилги мавсумда кучлилар сафида маълум тажриба тўплаган «Политотдел» кейинги биринчиликка ширин умидлар билан қадам қўйди. 1966 йилги чемпионат команда учун омадли мавсум бўлди. Тайёргарлик даври жуда яхши ўтди, оқилона таркиб шакллантирилди. Мураббий Чен Ир Сон раҳбарлигида (жамоа бошлиғи Д. Шегай, мураббий И. Тазетдинов) «Политотдел» 17 ғалабага эришди, 9 беллашувда дуранг ўйнади ва 8 марта мағлубият аламини тортди. Киритилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбати 36-26ни ташкил этди. Жамоа сардори этиб сайланган Дмитрий Ан мавсумни жуда яхши ўтказди. Зонанинг ғолиби сифатида «Политотдел» қўшимча турнирда Ворошиловграднинг «Заря» ва Вильнюснинг «Жальгирис» жамоалари билан бирга олий лигага йўлланмани қўлга киритиш учун курашиши лозим эди. Шу борада «Заря»нинг баҳсларда ғолиб бўлиши тўғрисидаги миш-мишлар тарқалди. Афтидан, кимдир қаердадир ушбу масалани олдиндан ҳал этганди. Бу каби ҳолатлар ўша пайтларда учраб турарди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Ҳар нима бўлганда ҳам «Политотдел» 1966 йилги мавсумни жуда яхши ўтказди, жамоанинг 12 нафар ўйинчиси, шу жумладан унинг сардори Дмитрий Анга «СПОРТ УСТАСИ» унвонлари берилди.

1967 йили жамоани хизмат кўрсатган спорт устаси Виктор Соколов қабул қилди, унга Чен Ир Сон ва Н.Кузнецовлар ёрдамчи этиб тайинланди. С.Стадник ва В.Любушинлар жамоа таркибига қўшилишди.

Баҳорда Дмитрий Ан Ўзбекистондаги футбол майдонларида ўтказилган «Бойчечак» турнирида жуда яхши қатнашди. «Футбол» газетаси 1967 йил 8-сони биринчи саҳифасида қуйидаги тагсўз билан йирик сурат берилган: «Бойчечак» турнири Ўзбекистонда «Политотдел»нинг АСК (Ростов)учрашуви билан бошланди. Суратда: майдон эгаларининг ҳужумчиси Д.Ан ростовликлар ҳимоячиси В. Афонинни алдаб ўтмоқда.

Шуниси қизиқки, Валентин Афонин собиқ иттифоқ терма жамоаси таркибида ўйнаган пайтида, 1965 йилнинг охирида Рио-де-Жанейрода буюк Пелени қандай қилиб маҳкам «ушлаганини» матбуот орқали сўзлаб берганди. Ўшанда Пелега фақат битта гол уриш насиб этганди. Дарҳақиқат, агарда Пеле Афонинни алдаб ўтиб битта гол уришга муваффақ бўлган бўлса, юқорида келтириб ўтганимиз «Бойчечак» турнирида Дмитрий Ан ҳам Афониндан ўтиб кетган ҳолда тўп киритди.

Ўша йилги чемпионатда «Политотдел» жадвалнинг ўрталаридан ўрин эгаллади. Бу гал ҳужумчилар сермаҳсул ўйнаб 44 та гол киритган бўлсаларда, ҳимоянинг заифлиги туфайли жамоа ўз дарвозасидан шунча тўпни ўтказиб юборди – 44:44.

Кейинги йилги чемпионатнинг бошланиши олдидан «Политотдел» Руминия олимпия терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди ва унда 1:3 ҳисоби қайд этилди. Ягона тўп муаллифи Дмитрий Ан. Н. Кузнецов бош мураббий бўлгач, клубга Москвадан В. Фадеев, К. Доронин, Минскдан эса дарвозабон Н. Хрусталев (Бекобод спорт мактабининг тарбияланувчиси) каби футболчилар таклиф этилди. Жамоа хўжалиги футболчилари мавсумда тўртинчи ўринни эгаллади.

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасини мамлакат кубогининг финалига олиб чиққан хизмат кўрсатган спорт устаси Евгений Елисеев 1969 йилги биринчиликда жамоанинг катта мураббийси сифатида фаолият кўрсата бошлади. Ўша йили москвалик дарвозабон Б.Разинский, ленинградлик Н.Рязанов, Л.Михайлов, корейс диаспорасининг вакиллари К.Шин ва Хенлар ҳам жамоада ўйнар, уларнинг етакчи ўйинчиси ҳамда сардори, яна Дмитрий Ан эди.

***Рус тилидан Дилшод ИСРОИЛОВ таржимаси.***

*(Давоми бор).*

*(Давоми. Боши газетанинг 58-сонида).*


# «СИРҒАЛИ» ТБК

## очиқ акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши

**2001 йил якунлари бўйича 2002 йил 9 август соат 16.00да акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.**

**Умумий йиғилиш Тошкент-155, Нилуфар кўчаси, 2-уйда кенгашлар залида ўтказилади.**

**Кун тартиби:**

1. Бошқарув раисининг 2001 йил якунлари бўйича ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Акциядорларнинг шикоятларини кўриб чиқиш.
4. Дивидендларни тақсимлаш.
5. Турли масалалар.

**«Сирғали ТБК» очиқ акциядорлик жамиятининг 2001 йил ҳолати бўйича баланси:**

| Актив | минг сўм. |
|---|---|
| Узоқ муддатли активлар | |
| Асосий маблағлар ва номоддий активлар | 178416 |
| Айланма активлар | 170742 |
| **Баланс активи бўйича жами:** | **349158** |

| Пассив | минг сўм. |
|---|---|
| Ўз маблағларининг манбаалари | 189075 |
| мажбуриятлар | 160083 |
| **Баланс пассиви бўйича жами:** | **349158** |


**Барча хўжалик юритувчи субъектлар ва солиқ тўловчилар ўз фаолиятлари давомида юзага келган муаммо ва фикр-мулоҳазаларини қуйидаги «Ишонч телефони» орқали маълум қилишлари мумкин.**

**137-54-49 – Хўжалик юритувчи субъектларда назорат идоралари томонидан ўтказилаётган текширишларга оид саволлар.**

**137-60-11, 137-60-03 – Солиққа тортиш ва солиқ қонунчилигига оид саволлар бўйича.**

***Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси;***
***Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссияси.***

## Халқ табобати

# ЛИМОН



*Халқ табобатида лимон меваларидан меъда, жигар, ўт йўллари касалликларида, буйрак касалликлари, подагра, ревматизм, радикулитларда даво қилиш учун фойдаланилади, қон кетаётган, иситма пайтларида, касалликлардан тузалиш даврида лимон буюрилади. Қора чойга лимон солиб, асал билан ичилса, йўталга даво бўлади. Гипертония касаллиги ва қандли диабетга даво қилиш учун ҳам лимон меваларидан фойдаланилади (кунига уч маҳал биттадан лимон еб туриш буюрилади).*

*Қадим замонларда меъда, жигар ишини кучайтириш, учун юқумли касалликлар, бронхиал астма, ангинада лимондан фойдаланилган, сувини эса, ҳуснбузарларни йўқотиш учун юзга суртилган.*

*Лимон препаратлари, яъни мойи, шарбати, тинктураси, шунингдек мевасининг янги арчилган ва қуритилган пўсти кўпгина мамлакатларда шифобахш деб расман эътироф этилган. Булардан кўпгина меъда-ичак касалликларида, сийдик-тош касаллиги, подагра, ревматизм ва бошқа хасталикларда, маъданлар алмашинуви бузилган маҳалларда фойдаланилади.*

Олмалиқ шаҳридаги 11-ўрта мактаб томонидан 2002 йилда Марат Фирдовисович Кашапов номига берилган № 0163730 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-655. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи—205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.15. 1 2 3 4 5 6